



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (13.917)

Баҳоси эркин нарҳда

## СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТИ ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА БОҒЛИҚ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 30 апрель куни Сурхондарё вилоятига келди.**

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини сифат жиҳатидан кенгайтириш, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 3 триллион 12 миллиард сўмлик 423 та лойиҳа ишга туширилиб, 7 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида вилоятда цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Гранит ва габбро тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонаси барпо этилди. Замоनावий таълим, тиббиёт муассасалари, иссиқхоналар қурилиб, турли зироатлар етиштириш, қорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантириш, аҳолини арзон, сифатли уй-жой билан таъминлашга эътибор янада кучайди. Олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий йилнинг дастлабки чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 3,4, sanoat 2, қурилиш 25,5, хизматлар 4,2 фоизга ошди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда 42 та лойиҳага 23,6 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Sanoat соҳасида 16,2 миллион доллар, қишлоқ ҳўжалигида 3,62 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 3,16 миллион доллар миқдорда хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Янги лойиҳаларни ишга тушириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳудудий экспорт ҳажми 131,5 фоизга бажарилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станциясидан бошланди.

Мамлакатимизда гидроэнергетикани ривожлантириш учун табиий шароитга эга жойлар кўп. Бу имкониятдан самарали фойдаланиб, энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодиётимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури белгиланди. Ўша йили 18 майдаги Фармонга мувофиқ, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилди. Соҳага ягона техник сиёсатни амалга ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини изчил ошириш, мавжуд гидроэлектр станцияларни замонавий қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ишга туширишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шу асосда Тўполанг гидроэлектр станцияси ҳам модернизация қилинмоқда. Бу ерда ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат ишлаб турган эди. Президентимиз топшириғига мувофиқ, аввалига Тўполанг сув омбори тўғрисида 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сигими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Айни пайтда жами қуввати 145 мегаваттлик яна иккита агрегат ўрнатиш ишлари олиб бориламоқда. Бундан ташқари, ҳар бири қарийб 38 мегаватт бўлган "Зарчоб-1" ва "Зарчоб-2" кичик гидроэлектр станциялари ҳам барпо этилмоқда. Шу тарихда энергия олиш қуввати жами 250 мегаваттга етказилди.

Аҳамиятлиси шундаки, бу ресурслар табиий ва қайта тикланувчандир. Экологияга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, sanoat корхоналари, турли идоралар ва аҳолига етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари янги тўғон ва гидроэлектр станцияни кўздан кечирди.

– Бу тарихий воқеа, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу ишларнинг барчаси келажакимиз учун қилинмоқда. Келгусида Сурхондарё гидроэнергия ҳисобидан бемалол иқтисодиётини таъминласа бўлади.

Шу ерда сув омборлари ва гидроэлектр станциялари ҳолатини мониторинг қилишга ихтисослашган техник тизимлар тақдими ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев сув омборлари тўғонларини мустаҳкамлаш ва доимий назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, илмий ишланмалар асосида улардан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли Сариосиё туманидаги Шарғун кўмири қонида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энергетика соҳасини изчил ривожлантириш, энергия манбаларини диверсификация қилиш, аҳоли ва ташкилотларга бир неча турдаги энергия етказиб бериш чоралари кўриломоқда. Шарғун кўмири қонида Хитой билан ҳамкорликда 2017-

2020 йилларга мўлжалланган 105,5 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг 15,7 миллион доллари "Шарғункўмири" АЖнинг, 89,8 миллион доллари эса Хитой Эксимбанкнинг кредит маблағидир. Мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 2021 йилдан бошлаб йилига 900 минг тонна тошкўмири қазиб олинади. 600 та иш ўрни яратилади. Янги Ангрэн ва Ангрэн иссиқлик электр станцияларига, цемент заводлари, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тошкўмири етказиб бериш кўпаяди.

Мамлакатимиздаги қазилма бойликлари ичида кўмири алоҳида ўрин тутади. Сурхондарё вилоятининг қатор туманларида мазкур маҳсулотнинг турли хили қазиб олинмоқда. Шарғун қони кўмири сифатининг юқорилиги, захиранинг кўпчилиги билан бошқа шундай қонлардан ажралиб туради. Бу ерда айни пайтда қоннинг асосий захираси томон тоғ этагидан йўл очилмоқда. Бугунги кунгача 2 километрга 216 метр масофада қазил ишлари бажарилди. Яна 1,5 километрдан сўнг 33 миллион тонналик асосий кўмири захирасига етиб борилади.

Давлатимиз раҳбарига вилоятда тошкўмири қазиб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилди.

"Шарғункўмири" АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси, Бойсун тошкўмири ва Шеробод туманидаги Кўхитанг қонларида кўмири қазиб чиқаришни ташкил этиш, Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳарчасини 2019-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдими ҳам ўтказилди.

Бундай сифатли кўмири ҳеч қаерда йўқ. Ана шундай лойиҳалар бизга жуда керак. Ер ости бойлиқларимизни халқимиз маънафати йўлида ишлатишимиз зарур, – деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур лойиҳани қисқа муддатда ва сифатли амалга ошириш, қончиликни янада ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш зарурлиги, Шарғун шаҳарчасининг ижтимоий инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар ва янги турар жой бинолари барпо этиш, сув омбори қуриш, қорвачиликни ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига ташрифи асосида россиялик инвесторлар билан Бойсун туманидаги "Муस्ताқилликнинг 25 йиллиги" газ қонида дастлабки қидирув, уни ишлаш ва газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича маҳсулот тақсимоти оид битим имзоланган эди.

(Давоми 2-бетда)



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлар ва касб-хунар коллежи битирувчилари учун "GULISTAN MILI TEXTILE" корхонасига саёҳат уюштирилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга партия фаоллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган ёшлар жалб этилди. Ишлаб чиқариш корхонасига амалий саёҳат давомида ёшлар дастлаб корхона фаолияти ва у ерда ходимларнинг меҳнат қилиши, овқатланиши, дам олиши учун яратилган шароитлар, иш жараёни, маънавият шонаси, ишчилар кутубхонаси билан яқиндан танишди.

● Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида хорижлик инвесторлар иштирокисда халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Жанубий Корея, Афғонистон ва бир неча Европа давлатидан инвесторлар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар иштирок этди. Халқаро бизнес-форум давомида кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича икки томонлама келишувларга эришилди.

● Термиз шаҳрида "Бўлғуси келин-кўёвлар инновацион мактаби"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мактаб "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси биносидан доимий фаолият юритади. Ўқув курси машғулотлари 16 соатга мўлжалланган.

● Фарғонада ўтказилган байрам миллий адабиётимизнинг йирик намоёнда лари Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниязий, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таваллуд кунларига бағишланган адабий-бадвий тадбирларга уланиб кетди. Фарғона вилоят ҳокимлиги ва Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таникли шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Сизтл шаҳрида кўп қаватли уйнинг қурилишида ишлаётган минорали краннинг кучли шамол тўғайли кулаб тушиши натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, кўплаб одамлар жароҳатланди.

● Швейцариядаги Канто-Вале дам олиш масканида рўй берган қор кўчкиси натижасида германиялик тўрт нафар чангичи ҳалок бўлди. Шу тарихда жорий йил бошидан буён ушбу мамлакатда қор кўчкиси натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони жами ўн тўққиз кишига етди.

● Германиянинг шарқий қисмида эликта машина иштирокида юзага келган жараҳатдан ўн тўққиз киши жароҳатланди. Воқеа жойида бир неча юз метрлик тирбандлик юзага келди, жабрланганларни қутқариш учун иккита вертолётдан фойдаланилди.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 3 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

## ТОШКЕНТДА "GLOBAL ALLIUM GARDEN" МАВСУМИ ОЧИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтида Хитой Фанлар академиясининг Куньмин Ботаника институти директори, профессор Сун Ханг бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Бахтиёр Ибрагимов, Ботаника институти директори, академик Комилжон Тожибоев, Хитой Фанлар академияси Куньмин Ботаника институти директори, профессор Сун Ханг ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликлар, хусусан, илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамлаб бораётгани мамлакатларимиз таъриқиети учун муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Хитой Фанлар академияси Куньмин Ботаника институти ўртасида ҳамкорлик йўлига қўйилган. Ҳозирги кунда институтилар ўртасида қатор қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Тадбирда илмий тадқиқотлар йўналишидаги ҳамкорлик натижалари сарҳисоб қилинди. Ўтган давр мобайнидаги фаолият натижаларига юқори баҳо берилди.

Шу куни хитойлик меҳмонлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти илмий кенгаши мажлиси ўтказилди. Унда хитойлик олим Сун Хангга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг биринчи халқаро фахрий профессори унвони берилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти директори, академик Комилжон Тожибоевга ҳам Хитой Фанлар академияси Куньмин Ботаника институтининг фахрий профессори унвони топширилди.

Ташриф доирасида Хитой делегацияси аъзолари Тошкент Ботаника боғида "Global Allium Garden" 2019 йил мавсумининг очилиш маросимида иштирок этди.

"Global Allium Garden" қўшма дастури 2018 йилда ташкил этилган. Марказ фаолияти доирасида биологик хилма-хилликни ўрганиш, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари табиий ландшафтларининг ёввойи пиёз турлари ноёб генофондини сақлаш каби вазифаларни амалга оширади.

– Тошкентда "Global Allium Garden" мавсуми очилиши мамлакатларимизнинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасидаги ҳамкорлиги натижасидир, – деди хитойлик олим Сун Ханг. – Ҳозирги вақтда бу ерда Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Кавказ ва Ўрта ер денгизидан келтирилган ёввойи пиёзларнинг 120 дан ортқ тури тўпланган. Ушбу ҳамкорлик доирасида ўзаро илмий алоқалар фаоллашиб, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимликларни сақлаб қолиш режалаштирилган.

Учрашувда "Global Allium Garden" фаолиятини янада ривожлантириш, олиб борилаётган қўшма тадқиқотларни сифат жиҳатдан яхшилаш, мамлакатимиз ёш илмий ходимларининг Хитойда малака оширишларини ташкил этиш, Марказий ва Жануби-Фарбий Осиёнинг тоғли минтақаларига қўшма экспедициялар ташкил этиш, Ўзбекистон наботот дунёси ҳақида инглиз тилида 10 жилдлик тўпламни чоп этиш, "Дарахлар – Ўзбекистон ҳаёти" лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

## Фуқаролик жамияти сари

### ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛИГИГА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ БУГУН шаҳримизда сайловлар бошланди.**

Таъкидлаш жоизки, янги қабул қилинган Қонун фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятларини яратиш билан бир қаторда сайловларнинг демократик тамойилларга мос тарзда очик, ошкор, мўқобиллик асосида ўтишига, халқ танлаган энг муносиб номзодларнинг сайланишига замин яратди. Энг муҳими, муносиб номзодларни сайлаш борасида аввало аҳолининг фикрлари эътиборга олинмоқда. Шундай қилиб, бугун шаҳримиздаги Бектемир туманидаги "Миришкор", Мирободдаги "Қорасув", Мирзо Улуғбек туманидаги Улуғбек, "Катта Қорасув", "Элобод", "Олимлар", Олмазордаги "Мойарик", Мискин, "Ҳончор-

боғ", "Ачаобод", Сергелидаги "Кўшқўрғон", "Жўнарик", "Чорогон", Учтепадаги "Богичинор", Журжоний, "Учтепа", Чилонзор туманидаги "Баҳористон", "Новза", "1-Қатортол", "2-Қатортол", Яқасаройдаги "Қушбеги", Яшнотобдаги "Бехизор", "Янгиюр", Махмур ва "Бешбола" номли маҳаллаларда фуқаролар йиғини раислари сайловлари бўлиб ўтди. Ўйлаймики, маҳалладошлар хоҳиши-иродаларига мувофиқ сайланган янги оқсоқоллар ўз ҳудудларидаги тинчлик-осойишталик, оилалардаги барқарорлик, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлиб, жаҳонда ўхшаши йўқ маҳалла институтининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишди.

## "ШАРАФ ЛЕНТАСИ"НИ УЛАШИШ АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимиз бўйлаб 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Шараф лентаси"ни улашиш акцияси давом этмоқда.**

Президентимизнинг жорий йил 23 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган акцияда мутасадди таш-

килот вакиллари, маънавият тарғибчилари, фан, таълим ва маданият намоёндалари, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси оркестрининг мусика

Г. БОБОЕВА

# СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТИ ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА БОҒЛИҚ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари бўлиб, икки bosқичда амалга оширилди.

2018-2022 йилларга мўлжалланган биринчи bosқичда йилига 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод қурилади. Жумладан, "Эрта газ" дастури доирасида 2020 йилдан бошлаб 2 минг 800 метр чуқурликдаги газ қатламидан йилига 1 миллиард куб метргача табиий газ қазиб олинади. 2023 йилда яна 15 та кўнд фойдаланишга топширилиб, газни қайта ишлаш заводининг иккинчи линияси ишга туширилади, натижада газ қазиб олиш йилига 5 миллиард куб метрга етказилади.

2023-2025 йилларга мўлжалланган иккинчи bosқичда 1,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ҳисобидан йилига 500 минг тонна полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган газ-кимё мажмуаси барпо этилади. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнгра жами 2 минг 200 та иш ўрни яратилади.

Ҳозирги кунда газ конининг 160 квадрат километр майдонда Хитойнинг "ВР" компанияси томонидан 3Д сейсмик қидирув ишлари ўтказилди, "Эриелл" компанияси томонидан 7 та баҳолаш кудуги бургуланмоқда. Объектда жами 1 минг 125 иши, жумладан, "Бейкер Хюз", "Халибёртон" ва "Шлюмберге" хорижий компаниялари мутахассислари меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида ушбу битим доирасидаги ишларнинг бориши билан танишди. Лойиҳа ҳамкори, "Altmax Holding LTD" компанияси таъсисчиси, россиялик инвестор Андрей Филатов билан дастлабки геология-қидирув ишлари натижалари, газни қайта ишлаш мажмуасини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида суҳбатлашди. Ушбу инвестор Бойсун туманидаги 10-мактабга таълим муассасасини реконструкция қилишда ҳам қатнашган.

Кейинги йилларда ёқилғи-энергетика соҳасида амалга оширилган йирик лойиҳалар натижасида Устюрт газ-кимё, Қандим газни қайта ишлаш мажмуалари барпо этилиб, рақобатбардош маҳсулотлар номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди. Бойсун туманида бошланган навбатдаги лойиҳа мамлакатимизнинг жанубий вилоятини комплекс ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, кимё, қурилиш санюати ва транспорт инфратузилмаси корхоналари қувватларини ошириш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда газ-кимё мажмуалари қуриш бўйича катта тажриба тўплангани, ушбу лойиҳа Сурхондарё заминидagi углероддор захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашда оламшумул воқеа бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Лойиҳанинг энергия самардорлигини ошириш ва уни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Термиз туманида 900 мегаваттлик иссиқлик электр станцияси барпо этиш, вилоятда санюатни ривожлантириш, муҳандислик тармоқларини модернизация қилиш, Бойсун туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, Сарисий туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тақдиротлари ўтказилди.

Президентимиз Сарисий ва Бойсун туманларида мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, хонадонларда чорва боқишни кенг йўлга қўйиб, оилаларнинг ўзини ўзи таъминлашга ўтиши лозимлигини таъкидлади.

– Туман ҳокимлари кичик-кичик инвестиция лойиҳаларини жалб қилиб, экспорт ва солиқ тушумини кўпайтириши керак. Шунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича марраларимиз ва эришадиган натижаларимиз бугунгидан ўн қарра баланд бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоят оқсоқоллари билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз ички ва ташқи сийосатининг асосий йўналишлари, халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бахшчилик санъатини янада кенг тарғиб этиш масалалари ҳақида сўз борди.

Сурхондарё вилоятида янги газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, одамлар турмуш даражасини ўзгартиришга кенг йўл очилиши қайд этилди.

– Олдимизда қўйин, мураккаб, аммо ақяю ягона тўғри йўл турибди, бу халқимиз манфаати учун сиқидилдан хизмат қилишдир. Бунинг учун барча бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, одамларнинг ўзлари ҳам бугунгидан яхши яшашига интилиши керак. Энди халқимиз ана шундай ўй-фикр билан яшаши, ўзгариши зарур. Сурхондарё халқининг ўзига хос феъл-атвори бор. Энг муҳими, ҳалол, виждони пок, юртимизнинг келажагини ўйлайдиган одамлари бор. Ана шундай инсонларнинг имкониятидан самарали фойдаланиш, белни маҳкам боғлаб, элга хизмат қилишимиз зарур, – деди Президентимиз.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорга сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришга доимий эътибор берилмоқда. Бунда жойларда ташкил этилаётган паррандачилик корхоналарининг ҳам алоҳида ўрни бор. Музабот туманидаги "Янгиобод инвест сервис" хусусий корхонаси шулардан бири.

Президентимиз вилоятга ташрифи доирасида ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Яқинда фойдаланишга топширилган корхонанинг лойиҳа қиймати 53,127 миллиард сўм. Корхонага паст рентабелли жойдан 230 гектар ер майдони ажратилган. Унинг 220 гектарига парранда учун озуқа маҳсулотлари экилиб, 10 гектарига биналар жойлашган. Хусусан, етти та товуқхона, иккита жўжа кўпайтирадиган биналар қурилган. Хусусий корхонада 500 минг товуқ боқиш имконияти мавжуд. Шунингдек, 1 миллион 735 минг дона жўжа парвариллашга мўлжалланган инкубатор ҳам бор. Бу ерда йилига 168 миллион дона тухум олинади. Жорий йилнинг июнь ойида парранда учун замонавий озуқа ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди ва корхона тўлиқ эм билан таъминланади. Айни пайтда 1000 тонна сийғимга эга музлаткич омборхона қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига "Янгиобод инвест сервис" хусусий корхонасида келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, корхонада етиштирилаётган товуқ гўштидан сосиска, товуқ патидан кўрпа-ёштиқ, сунгидан озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Яна бир истиқболли лойиҳа биогаз ва биоўғит маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши кутилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллион 700 минг АҚШ долларига тенг. Унинг 500 минг доллари корхонанинг ўз маблағи, 1 миллион 200 минг доллари хорижий инвесторлар ҳиссасига тўғри келади. Лойиҳа

амалга оширилгач, 50 та иш ўрни яратилади.

Шу ерда Сурхондарё вилоятида эртаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспортга чиқариш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, агросаноат кластери ташкил этиш ва бошқа қатор лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Президентимиз томорқачилик бўйича олиб борилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Сурхондарё вилоятида 400 минг хонадоннинг 48 минг гектар ери бор. Жорий йилда биринчи экинлардан 644 минг тонна ҳосил олинди. Вилоят климат шароитида кичик иссиқхоналар ташкил этиш орқали бемалол уч марта ҳосил олиш, экспорт қилиш мумкин. Бу қарийб 150 минг гектар ердан фойдаланиш билан баробар. Масалан, бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта картошка экспорт қилиш йўлга қўйилди. Вилоятда 270 минг тоннадан зиёд картошка етиштирилди. Унинг 100 минг тоннасини экспорт қилиш режалаштирилган.

– Томорқачилик озиқ-овқат маҳсулотларини арзон қилиш, инфляция даражасини пасайтиришда таянч нуқталардан биридир. Бу орқали қанча одам ишли бўлади, оилаларга даромад, барака қиради. Томорқадан самарали фойдаланган одам боқиманда бўлмайди, бой бўлади. Бунинг учун барча шароит яратилган, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан тақдим этилган арпа, буғдой, сули ва маккажўхори донидан ем ишлаб чиқарадиган мобиль заводни ҳам кўздан кечирди.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизимидаги ҳўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, омикхта ем ишлаб чиқарувчи мобиль завод, Кумкўрғон туманидаги "Корабайир" фермер ҳўжалиги фаолияти, туяқчи, туяқчилик, кўвнчилик, зотдор эчки боқиш ҳақида ҳам маълумот берилди.

Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан тақдим этилган омикхта ем ишлаб чиқарувчи мобиль заводнинг лойиҳа қиймати 280 минг евро. "МАЗ" машинасига ўрнатилган ушбу мобиль завод Беларус-Австрия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган. Арпа, буғдой, сули, маккажўхори, шрот, минерал қўшимчалар ва ўсимлик ёғидан омикхта ем ишлаб чиқарилади. Соатига 16 тоннадан ортиқ омикхта ем тайёрлаш қувватига эга. Иш жараёни тўлиқ компьютер тизимида амалга оширилади. Агар маҳсулотлар бозордан сотиб олинса, мобиль завод бир йилда ўз таннархини қоплайди. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизими корхоналаридан олинган маҳсулотлардан фойдаланилса, беш ойда ўз таннархини қоплайди.

Мамлакатимиз жанубидаги ер ости ва ер усти бойликларидан, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан оқилона фойдаланиш учун вилоятнинг меҳнатқаш, изланувчан, фидоий одамлари билан қўлайлик яратилмоқда. Бу борада давлат даражасида кўрсатилган эътибор уларни руҳлантириб, йағи ғоялар билан дидил одимлашга ундаётди. Жойларда янгидан тақдим этилаётган истиқболли лойиҳалар бунинг ёркин далилидир.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Умар АСРОРОВ,  
Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Холимуин МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбирлари

## 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини

**Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эъозлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, хотирасини ёд этиш том маънода миллий анъанага айланган.**

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК УМРИМИЗГА УМР КЎШМОҚДА

9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари ва курсантлари томонидан ҳам бир қатор хайрли тадбирлар уюштирилмоқда.

"Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг барча туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи 76 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва фронт орти меҳнат фахрийси ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари топширилди.

– 9 май байрами арафасида хонадонимизга ташриф буюрган бир гуруҳ офицер ва курсантлари кўриб, бениҳоя қувониб кетдим, – дейди Янгийўл тумани Намуна маҳалласида умргузаронлик қилаётган 93 ёшли Камол ота Рихсибоев. – Кўксимга шараф лентасини тақиб қўяётганида кўзим қувонч ёшларига тўлди. Ҳозир 27 набира, 41 чевара, 2 нафар эварам бор. Уларга уруш давридаги воқеалар, машаққатли кунлар ҳақида гапириб бераман. Ҳозирги замонимиз, тинчлигимиз, тўқин-сочинлигимиз қадрига етсин дейман-да. Президентимизнинг биз кексаларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги умримизга умр қўшмоқда.

– Урушда беш марта оғир жароҳат олганман, – дейди Тошкент шаҳар Яшнобод туманида истиқомат қилувчи 92 ёшли Зинаида Кислякова. – Урушдан қайтиб, турли соҳаларда ишладим. Урушда орттирган жароҳатларим битиб кетди, аммо унинг даҳшатли хотиралари ҳамон қалбимни тирнайди, кўнглимга орқиқ солади. Бугун фарзандларим, набираю эвараларим ардоғида яшаётганим. У кунларни эсласам, кўзларимдан бениҳоят ёш қалқийди. Бугунги дориломон кунларга шукрона келтиришимиз лозим. Юртимиз доим мана шундай тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Институт томонидан, ижтимоий химояга муҳтож фахрийларнинг хонадонларида ҳашарлар уюштирилиб, ҳовлилари ободонлаштирилди.

ЎЗА

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

**Сергели тумани ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ташаббуси билан Сергели туманидаги 5"А" мавзесида ишсиз аҳолини ишга жойлаштириш мақсадига "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" бўлиб ўтди.**

Мазкур ярмаркада пойтахтимизнинг барча туманларида жойлашган 107 та корхона, ташкилот ва муассасалар 4580 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Бундан ташқари, тумандаги тижорат банклари, Савдо-санюат палатасининг туман бўлими томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келагимиз" Давлат дастури доирасида уларга имтиёзли кредитлар бериш, мини технологиялар намойиши ташкиллаштирилди.

Тадбирга жами 3000 ортиқ фуқаро ташриф буюрди. Фуқаролар томонидан бўш иш ўринларига 230 та мурожаатлар қабул қилинди. 100 дан ортиқ фуқароларга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар ҳам берилди.

Сергели тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати

**Мамлакатимизда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойили асосида аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этишнинг янги механизми ва самарали усуллари жорий этилди.**

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш, кўриб чиқиш, вақтида жавоб бериш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича барча ҳўқуқий асослар яратилган ҳамда ўзига хос тизим шакллантирилган.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси ва унинг филиаллардаги масъул ходимлари томонидан мурожаатларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорағида банкка Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, Олий Маҳлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк орқали ҳамда тўғридан-тўғри жисмоний ва юридик шахслардан жами 209 та ёзма, оғзаки ва электрон мурожаат келиб тушган. Мурожаатлардан 22 таси ижобий ҳал этилди. 187 нафар фуқаронинг мурожаатига амалдаги қонунчиликка биноан тушунтиришлар берилди.

Банк Бошқарувининг топшириғига асосан ҳудудлардаги минтақавий филиаллар томонидан алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳамкорликда аҳоли ва тадбиркорлар учун очиқ мулоқот шаклидаги семинар, учрашув ҳамда сайёр қабуллар ташкил этилиб, мавжуд муаммоларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилаётганини таъкидлаш жоиз.

Жорий йилнинг январь-март ойларида ана шундай тадбирлар пойтахтимизнинг Чилонзор, Олмазор, Шайхонтоҳур ҳамда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманларида, шунингдек, Андижон ва Кўкон шаҳарларида бўлиб ўтди. Бу каби учрашувларда фуқаролар томонидан энг кўп қилинган мурожаатлар бу – мик-

роқарз, ипотека, истеъмол кредитлари, бизнес лойиҳалар учун хорижий кредит линияларини жалб қилиш, омонат каби хизматлардир.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури асосида имтиёзли кредитлаш тартиблари ва механизмлари юзасидан алоҳида тақдиротлар ўтказилди. Янги масофавий хизматлар, пластик карталар, шу жумладан, тўлов тизимларидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Бугунги кунда муаммолари мурожаатлар юзасидан камчиликларнинг туб замири чуқур ўрганилиб, бартараф этилмоқда, жойлардаги бошқа тузилмаларга йўналтирилган мурожаатлар тақдироти қатъий назоратга олинмоқда, белгиланган муддатда жавоб берилмаган ишлар юзасидан эса масъул ходимларга нисбатан чоралар кўрилмоқда.

Қайд этиш лозимки, трансформациялаш жараёни жадал кенаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида сунги пайтларда миқозларга тезкор, сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиш борасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Инфратузилма ривожлантирилмоқда, банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турлари ишлаб чиқилмоқда, миқозларни рағбатлантириш, улар доирасини кенгайтиришга қаратилган турли ақциялар эълон қилинмоқда.

Банк раҳбарияти томонидан ушбу саъй-ҳаракатлар асосида қўзланган марраларга эришиш мақсадига миқозлар билан муносабатларнинг оптимал йўллари билан самарали фойдаланилмоқда. Улардан бири аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилишидир. Бу банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳўқуқ ва манфаатлари ҳимояланишини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Банк Аҳборот хизмати  
маълумотлари асосида  
Зиёда РАСУЛОВА тайёрлади

## КАСПИЙ ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИШТИРОК ЭТАДИ

**Жорий йил 12 августда Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳри "Аваза" миллий туристик зонасида илк бор Каспий иқтисодий форуми ташкил этилади. Марказий Осиё иқтисодий ҳаётида эътиборли воқелик сифатида қайд этилаётган мазкур йирик тадбирда Каспий бўйи мамлакатлари қаторида Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, халқаро молия институтлари, транспорт, экология соҳаларида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.**

Тошкентда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Язгули Маммедов Ўзбекистон – Туркманистон иқтисодий ҳамкорлиги турли йўналишларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда. 2018 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 17 фоизга ошган.

– Туркманистон ер усти ва сув йўллари орқали минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди Я.Маммедов. – Ўтган йилда Туркманбоши халқаро порти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур порт орқали Россия, Эрон, Туркия давлатлари портлари билан боғланиш мумкин. Бу, айниқса, денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга бўлмаган қўшни мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон учун қўлай имкониятдир.

Тадбирда биринчи Каспий иқтисодий форумининг ҳамкорликдаги

ривожланиш мақсадларига мос келишига эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда форум доирасида ўтиши кўзда тутилган тадбирлар ва муҳокама марказидаги масалалар юзасидан маълумотлар берилди.

Каспий иқтисодий форумида халқаро конференция ташкил этилиб, унда иштирокчи давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан қўшма инвестициявий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт бўйича ҳамкорлик, қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади. Махсус эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш кўзда тутилган.

Шунингдек, форумда Каспий инновацион технологиялари кўрғазмаси, иштирокчи давлатлар вакиллари ўртасида бизнес учрашувлар ҳам ўтказилади.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Малоҳат ХУСАНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **Тошкент шаҳар ҳокимлигида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавкулдада ва мухтор элчиси билан бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама алоқаларнинг истиқболлари кўриб чиқилди.**

● **Яккасарой тумани адлия бўлими томонидан тумандаги 160-сонли умумий ўрта таълим мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

● **Тошкент – Андижон пулиқ автомобиль йўли қурилади.**

## МАДАНИЯТ ҚАНЧАЛИК ЮКСАК БЎЛСА, МЕҲНАТ ШУНЧАЛИК ҚАДРЛАНАДИ

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамиятимизнинг барча бўғинларида амалга оширилди билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

Бу борада миллионлаб меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш-ни ўз зиммасига олган касба уюшмалари ҳам ўз сўзларини айтишлари лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, шу жумладан пойтахт касба уюшмалари ўз фаолиятларини умуммиллий даражада ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиб, ишчи ва хизматчилар манфаатларини муҳофаза қилиш билан ҳал қилмоқда. Бу касба уюшмаларини жамиятда катта қўл қўйганлигини ёрқин ифодасидир.

Касба уюшмалари ўз олдларига қандай мақсадларни қўйган? Бу – аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя ва мулоқот, ночорликка барҳам бериш, инсонларни ҳуқуқ кафолатлари ва касба уюшмаларининг эркинликлари, меҳнат муносабатларининг ҳар қандай шаклида камситилишларига йўл қўймаслик, тенглик муносабатларини ўрнатиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, атроф-муҳитни асраб-авайлашдир.

Ўзбекистон Республикаси банк молия академиясида ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шартлоқларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш ҳамда "Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўни" доирасида "Хавфсизлик, саломатлик ва келажақдаги меҳнат" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда шаҳарда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касба уюшма кўмити раислари, идораларо ишчи гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари қатнашди.

Иштирокчиларга соҳа бўйича тарқатма материаллар берилиб, видеоролик намойиш этилди.

"Max General Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Соибжон Низамовнинг "Меҳнат шартлоқлари нуқолай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланиши" ҳамда 100-сон тиббий меҳнат экспертизаси бош эксперти Иброҳим Розиковнинг "Тошкент шаҳар тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан ходимнинг меҳнат жароҳати, касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражаси ва ногиронлики белгиланиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, "Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўни"га бағишлаб ўтказилган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида 4 та номинация бўйича қўлиб бўлган 12 нафар вакиллар тақдирландилар.

Мазкур тадбир нафақат ушбу соҳа етказилган балки барчани янада ҳушёрликка, огоҳлик билан меҳнат қилишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга, профилактика ишларини амалга оширишга, жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

**Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,  
Тошкент шаҳар касба уюшмалари  
ташкilotлари бирлашма Кенгаши  
меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МЕДИА ТУР

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Давлат дастурларини амалга оширилишида жамоатчилик назоратини ўрнатиш: журналистлар ҳамда давлат ҳокимияти органларининг манфаатли ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида Давлат божхона кўмитаси билан ҳамкорликда журналистлар учун пойтахтимиздаги "Сергели" ва "Бош почта" ташқи иқтисодий фаолият божхона постларига медиа тур ташкил этилди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган даврий босма ва онлайн нашрларнинг бош муҳаррирлари, блогерлар ҳамда марказий тахрирхоналарда фаолият олиб бораётган фаол журналистлар қатнашди.

Медиа турнинг дастлабки манзили – Сергели туманидаги "Сергели" ТИФ божхона пости бўлди. Бундан бир неча кун муқаддам мазкур пост "UzTex Tashkent" масъулияти чекланган жамият қўша корхонаси ҳудудидан янги бинода ўз фаолиятини бошлади.

Тадбирда журналистларга бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар хусусан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт-импорт маҳсулотларини қўлайлаштириш раёбатлантириш, божхона расмийлаштируви жараёнини соддалаштириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, божхона назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш борасида тизимда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 24 ноябрдаги "Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириши янги, янада муҳим босқичга олиб чиқмоқда.

Мазкур Фармонлар ижроси юзасидан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қўлай шарт-шароит яратиш, ортқича бюрократик тўсиқлар ҳамда сансалорликка барҳам бериш, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган расмийлаштирув жараёнини амалиётга жорий қилиш, хусусан ҳудудларда "ягона дарча" тамойили асосида божхона, банк, логистик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматлар кўрсатадиган логистика марказларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Сергели" ТИФ божхона постида ҳам ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун жорий қилинган шарт-шароитларни янги шу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижаси бўлди дейиш мумкин.

Илгари шаҳарнинг чекка ҳудудида жойлашган пост энди марказга кўчди. Бу ерда божхона пости ходимлари томонидан темирйўл ва юк автотранспортда экспортчи қишқик кетаётган ҳамда кириб келаётган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви амалга оширилади.

Мазкур йилда нафақат божхона пости, балки тадбирдорлар бепул асосда божхона юк декларацияларини тўлдирлишга хизмат қиладиган – "фронт-офис"лар ҳамда турли сертификатлаштириш органлари фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар муайён қилинган.

Медиа тур давомида журналистларга божхона органлари фаолиятига 2018 йилнинг 1 декабрдан жорий қилинган ҳамда 2019 йилнинг 1 мартдан бошлаб, тўлақонли равишда фаолият юритаётган "Хавфни бошқариш тизими" ҳақида ҳам ахборотлар берилди. Мазкур тизим асосида товар-транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви махсус йўлақлар – "сарик", "қизил", "яшил" ҳамда "қўқ" йўлақлар орқали амалга оширилмоқда. Тизимнинг ишга

туширилиши натижасида "яшил" божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда, хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати қуйидаги йўлақлардан бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу эса ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтиришга, божхона назорати ҳажмининг камайишига, сифатининг ошишига, ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини раёбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Айни шу ҳудудда умумий майдони 12,3 минг м<sup>2</sup> га тенг, тўлиқ инфратузилмага эга божхона оморборли ҳам мавжуд бўлиб, оморбор божхона назорати талабларига жавоб берувчи кузатув камералари билан жиҳозланди.

Медиа тур доирасида журналистлар "UZTEX" корхоналар гуруҳига кирувчи "UzTex Tashkent" масъулияти чекланган жамияти билан ҳам яқиндан танишди.

Республикамиздаги тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасининг етакчиларидан бири ҳисобланган мазкур корхона мамлакатимиз иқтисодига юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хорижга экспорт қилиш билан катта ҳисса қўшиб келмоқда. Гуруҳга кирувчи 10 та корхонада бугунги кунда 10 минг нафардан ортқиқ юртдошларимиз иш билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 20 дан ортқиқ мамлакатига экспорт қилиб келинмоқда.

Медиа тур давомида журналистлар пойтахтимиздаги "Бош почта" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида ҳам бўлишди.

Бугун дунё бўйлаб электрон савдо, Интернет орқали харидлар қўлами кенгайиб бораётган, бу ҳалқаро почта ва кўрерлик жўнатмаларини йўллаш ҳам тобора оммалашаётганини аниқлади. Бу жараёнинг қанчалик кўча ва самарали кечиши бир ҳисобдан божхоначиларга ҳам боғлиқ. Ҳалқаро почта ва кўрерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви неҳоят тез ва сифатли амалга оширилса, бу жўнатманинг қўланган манзилга тезроқ етишини таъминлайди.

Хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига жўнатилган ёки республикамиздан хорижга йўлланган ҳалқаро почта ва кўрерлик жўнатмаларининг асосий қисми божхона назорати "Бош почта" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида амалга оширилади. Бундан 26 йил муқаддам ташкил қилинган "Бош почта" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости эндиликда янги замонавий логистика марказида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Аввалги био билан таққослаганда, бу ерда божхона кўриги учун ажратилган ҳудуд қарийб 3 баробарга кўпайди. Илгари бунинг учун 240 м<sup>2</sup> жой ажратилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 758 м<sup>2</sup> ни ташкил қилмоқда. Эски бино билан қиёслаганда илгари бир вақтинчи ўзида фақат 2 та партиядаги юкларни божхона кўригидан ўтказиш мумкин эди. Бу эса ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг кўлиб қилишлари ва ортқича вақт йўқотишларига сабаб бўлиётган эди. Энди эса бу ерда бир вақтинчи ўзида 5 та партиядаги юкларни қабул қилиш имконияти туғилди. Натижада ҳозирда янги бинода кўнига 2600 дан ортқиқ почта ва кўрерлик жўнатмаларининг божхона назорати амалга оширилмоқда.

Бу эса ҳар бир почта жўнатмасининг божхона расмийлаштирувига узоғи билан 20 дақиқа сарфланаётганини аниқлади.

Медиа турда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлиқ жавоблар оlishди.

**Зарина РУСТАМОВА**

## Аждодлар мероси

**Мирзо Улуғбек ўзининг кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан темурийзодалар ичидан фан ва маданият тараққиётига энг кўп ҳисса қўшган ҳукмдордир. У Самарқандда биринчи йиррик фалакиётшунослик академиясига асос солган сиймо сифатида дунёга донг таратади. Бу жаҳоннинг улуг алломалари томонидан тан олинган ҳақиқатдир.**

## ФАЛАКИЁТШУНОС ОЛИМ ВА МУҲАНДИС

Француз ёзувчиси, файласуфи ва тарихчиси Вольтер Улуғбек ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилганлигини кўришимиз мумкин.

"Трансоксианада унинг Амир Темурнинг ўрнига тахтга чиққан Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солиш, ер кўрасини ўлғашни буюрди ва фалакиётшунослик жадалларини тузишда иштирок этди".

Амир Темур даврида илм-фан, санъат, меъморчилик, савдо-сотик, тиббиёт, мусиқа ва яна қўллаб соҳалар ривожланган бўлса, айнан Мирзо Улуғбекни бобосининг йўлини давом эттирган шахс сифатида кўришимиз мумкин. Астрономия ва математика соҳасида эришилган буюк муваффақиятлар темурийлар давлатига катта шухрат келтирди. Бу шухрат, биринчи навбатда Улуғбек номи билан боғлиқдир.

Мирзо Улуғбек бобосининг изидан бориб, Самарқандда ободонлаштириш ишларини кенг қўламда авж олди. Регистон майдонининг аҳамиятини тушушган шох ва олим унн шаҳар марказига айлантиришга интилди. Меъморчиликка оид ушбу фикрларни баён қилишнинг боиси шунки, Улуғбек қурилиш давомида усталарга маслаҳатлар бериш орқали ўзининг биринчиликдаги укувини намойиш этган. Тиллақори масжиди ўрнида бўлган карвонсарой Темурийлар даврида машҳур бўлиб, Буюк Ипак йўли орқали Самарқанддан ўтаётган барча карвонсарой Улуғбек қурдирган карвонсаройга ўхшаб ўтишган.

XV асрда Мовароуннаҳр, хусусан, унинг пойтахти Самарқанд, шунингдек, Бухоро, Ҳўжанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда жамоат эҳтиёжи учун зарурий қўллаб ҳашаматли бинолар қад кўтарди. Темурий ҳукмдорлар орасида, айниқсан, Улуғбек бобоси Амир Темур каби бунёдкор бўлиб, мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият берди. У ҳукмдорлик қилган даврда қўллаб масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва карвонсарой қурдириди.

Амир Темур даврида қуриб битказилган талайгина биноларни поёнига етказди. Амир Темур мақбарасининг кириш пештоки, Шохинида мажмуасидаги баъзи мақбаралар, Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжиди, Туркистондаги Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир.

Улуғбек Самарқандни обод қилишга алоҳида эътибор берди. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланди. Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқ ва улкан, гумбазли хонақоҳ карвонсарой, уймакор ёғочдан ишланган Мўқаттаз масжиди бино қилинди. Икки оз ўн гумбазли Кўқалдош жоме масжиди ҳам қад кўтарди.

Улуғбек мадрасаси 1417-1420 йилларда қуриб битказилган. Мадрасада ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилар эди. Мадрасанинг шимолий томонида Мирзоий карвонсаройи, жанубий томонида Алиқа Кўқалдош жоме масжиди (1430) қурилган. Енидаги Мўқаттаз масжиди, шунингдек, Султон Абусайд Мирзо мадрасаси қурилган.

Амирзода эндиқина 26 ёшга тўлган бўлсаларда, Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Бухоро ва Самарқандни илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилди. Унинг фармони билан 1417 йили Бухорода, 1420 йили Самарқандда ва 1433 йили Ғиждувонда мадрасалар барпо қилинди.

Ана шу мухташам бинолардан фақатгина Улуғбек мадрасасига бизнинг давримизгагача сақланиб қолган.

Мадрасада илоҳийёт илmlар билан бир қаторда, математика (рибзиёт), геометрия (ҳандаса), астрономия (илми ҳайъат), медицина (тиббиёт), тарих география, поэтика (шеърят), араб тили ва унинг морфологияси каби дунёвий фанлар ҳам ўқитилар эди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, биргина Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида юздан ортқиқ талаба истикомат қилган ва билим олган. Мирзо Улуғбек уламолар аҳлидан энг билимдонларини ва фозил кишиларнинг тажрибалиларини мадрасада дарс бериш учун тайинлади, шунингдек, хонақоҳга ҳам билимдон машойиларни белгилади. Мадрасада таълим бериш учун ўз даврининг энг машҳур ва таниқли олимлари: Мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозилода Румий, Алоуддин Али Қушчи, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид, Мавлоно Муиниддин Қошиқ, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий мадраса очилган кўниёқ калом масаларини ҳақида маъруза ўқиди. Шунингдек, Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мударрис бўлган. Эътиборлики шундаки, салтанат ишлари билан бандлиқига қарамай, буюк салоҳият соҳиби Улуғбек Мирзо "Тазира" ва "Тухфа"-дан шу қадар юксак даражада дарс ўтган. Уларга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати ҳам қолмаган, қурилиш ишларидан шахсан ўзи иштирок этган. Бу даврда Самарқандда, шунингдек, Хоним, Ферузош, Шох Малик, Ҳожибек, Мир Абдували ва Қутбиддин Садр номли бир неча мадраса ишлаб турган.

Улуғбек даврида Регистон майдонида бино қилинган Мирзоий ҳаммоми ва карвонсаройи, Чил устун (қирқ устун) ва Чинниҳона саройлари диққатга сазовордир. Мирзоий карвонсаройида кўпчиша хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнишган. Бобурнинг ёзишича Чил устун ва Чинниҳона саройлари ниҳоятда мухташам ва кўркам бўлган.

Мирзо Улуғбек томонидан амалга оширилган қурилишлар асосида 1424-1428 йилларда Самарқандда Обираҳмат анқори бўйида бино қилинган расадхона алоҳида ўрин тутди. Доира шаклидаги бу улкан иншоотнинг айланаси 47 метр, баландлиги 31 метрга тенг бўлган. Манбаларда келтирилишича, расадхона хоналарининг деворларида осмон гўмбази, самовий жисмлар, сайёраларнинг орбиталари, қўзғалмас (собила) юлдузлар, денгизлар, океанлар, тоғлар ва дашту бинбонлар бўйича иклим минтақаларига бўлинган ер кўраси тасвирланган. Шу тўғрисида бу мавзёе маҳаллий аҳоли ўртасида Нақши жаҳон, яъни "Олам тасвири" номи билан шухрат топди.

Расадхона қурилишида квадрант қурилмасига ва уни махсус ўлчов асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилди. Расадхона ҳузурда фаннинг кўпгина соҳаларига тегишли қарийб ўн беш минг жилд китобга эга бўлган бой кутубхона ташкил этилди.

Шу тарихда Мирзо Улуғбекнинг сай-ҳаракати билан XV асрнинг 20-40-йилларида Регистон ҳашаматли бир меъморий ансамблга айланган. "Бобурнома"даги қўллаб мисоллар цивилизацияга ўта мойил бунёдкор инсон – фақат шох Мирзо Улуғбекни эмас, том маънодаги муҳандис Улуғбекни, яратётган иншоотнинг чинакам жонқуярини кўз олдимизда гавдалантиради.

**Барно САЙДОВА,  
Темурийлар тарихи давлат музейи  
экскурсоводи**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"TO-Y-TERA KREDIT" МЧЖНИНГ  
(ломбардининг номи)  
Баланс ҳисоботи  
2018 йил 31 декабрь ҳолатига**

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
<b>АКТИВЛАР</b>			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	7 764
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	37 574
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	87 462
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрорекрет, микроқарз, истеъмо), брутто	1 533 355
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар заҳираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	1 533 355
70	16500	Асосий воситалар, соф	85 832
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	68 916
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 820 904
<b>МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ</b>			
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>			
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	7 021
250	22800	Муддатли узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	2 658
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	9 679
<b>КАПИТАЛ</b>			
310	30301	Устав капитали	800 000
320	30903	Умумий заҳира фонди	120 000
330	30905	Текинга олинган мулклар	4 000
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳрланг қийматининг ошган суммаси	5 852
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	81373
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 811 225
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 820 904

**"TO-Y-TERA KREDIT" МЧЖНИНГ  
(ломбардининг номи)  
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи  
2018 йил 31 декабрь ҳолатига**

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
<b>1. ФОЙЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>			
110	40400	Банкларданги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар	1 343 544
160	44700+44900	Бошқа фойзли даромадлар	0
170		Жами фойзли даромадлар (110+120+160)	1 343 544
<b>2. ФОЙЗЛИ ХАРАЖАТЛАР</b>			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағларини бўйича фойзли харажатлар	0
220	53101	Банкларданги олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микрорекрет) бўйича фойзли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фойзли харажатлар	0
260		Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
<b>3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МҮМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БА</b>			

